

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:339.138: 6П8(575.1)

МЕЙЛИЕВА ДИЛНОЗА БОБОНИЁЗ ҚИЗИ

**БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Икрамов М.А.

Тошкент -2023

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1-БОБ.	БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1.	Болалар озиқ-овқат саноатида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг замонавий ёндашувлари.....	12
1.2.	Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларининг ўрни.....	24
1.3.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларига ўрнатилган талаблар ва уларнинг таснифий белгилари.....	35
	Боб бўйича хулосалар	48
2-БОБ.	БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ...	50
2.1.	Ўзбекистон Республикаси болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.....	50
2.2.	Болалар озиқ-овқати маҳсулотларига истеъмолчиларнинг талаблари таҳлили.....	59
2.3.	Ўзбекистон болалар озиқ-овқати маҳсулотлари бозорини таҳлили.....	74
	Боб бўйича хулосалар	81
3-БОБ.	БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	84
3.1.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларини самарали ташкил этиш	84
3.2.	Ўзбекистонда болалар озиқ-овқат маҳсулотлари фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш	95
3.3.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	112
	Боб бўйича хулоса	121
	ХУЛОСАЛАР	124
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	130
	ИЛОВАЛАР	143

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида асосий стратегик масалалар ечимини ҳал қилишда озиқ-овқат саноати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш тақозо этмоқда. Инсон учун энг муҳим бойлик, бунинг саломатлигидир. Уни таъминлашнинг 55 фоизи эса соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишига боғлиқдир. Business Consulting компаниясининг маълумотларига кўра болалар озиқ-овқат дунё бозори йилига 7 фоиздан ошиб, 2025 йилга бориб ишлаб чиқариш ҳажми 25,6 млрд. АҚШ долларига тенг бўлар экан¹. Шуларни инобатга олган ҳолда болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш бўйича ёндашувларни фаоллаштириш заруратини тақозо этади.

Жаҳонда глобал пандемия шароитида дунё давлатлари қатори бизда ҳам аҳолининг турмуш даражасини ошириш, жумладан, болалар озиқ-овқатини хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол талаблари сифатли маҳсулотлари билан қондиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, болалар озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва тадбиркорларда маркетинг хизматларини шакллантириш ва улар фаолиятида кенг қамровли чуқур илмий асосга эга бўлган маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозори фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичларини турли маркетинг тадқиқот усулларида фойдаланиш асосида моделлаштириш ва прогнозлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда змонавий маркетинг бошқаруви ва тадқиқот усуллари кўллаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишда инновацион технологияларни жорий этиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини соғлом овқатланишга ўргатиш асосида турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹ <http://businessconsulting.com/>

Мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчи маҳсулотларимиз 1 фоизни ташкил этади холос². Ушбу ҳолатлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи бозор субъектлари маркетинг тадқиқотларининг мавжуд бўлган замонавий усуллари чуқур ўрганиш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги илғор тажрибасини эътиборга олган ҳолда, болалар озиқ-овқат бозорини тадқиқ қилишнинг янги услубиёти ва технологиясини такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Умуман, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги маркетинг фаолиятини мажмуавий ҳолда ўрганишда замонавий тадқиқот усуллари, эконометрик моделлар асосида соҳа самарадорлигини истиқболли йўналишларини белгилаб беришга қаратилган илмий изланишларни янада кенгайтириш жуда долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт сратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 январь ПФ-5303 “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-марифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

² www.agro.uz/ Ўзбекистон республикаси кишлок хўжалиги вазирлиги маълумотлари